



Асқарали Тұхтасинов

ДИЛ ЧАШМАСИ

(Шеърлар)



“Хаёт” нашриёти
Андижон - 2005 й.

84(55)6-3



Асқарали Тұхтасинов табиат шайдоси.

Педагог-бөгөн ижодкорнинг ушбу илк түпламига ота-она, табиат, севги-муҳаббат, қадриятлар мавзуларидаги шеърлари киритилди.

У "Тил" шеърида:

Тили, дили бир инсонлар -

Бир оламга кундай татир.

Тили, дили нур инсонлар -

Бахтли бўлсин, топсин қадр.- дея тилак қиласди.


Муаллифнинг эзгу тилаклари азиз ўқувчиларга ҳам манзур бўлади деган умиддамиз.

10-13-05
ХГ -ТА-----ША
22-03-05

Ю 31140
00
d1

Тұхтасинов Асқарали. "Дил чашмаси" (Шеърлар).

© "Хаёт" А. 2005.





Андижонда Бобурни кўрдим

Андижонда Бобурни кўрдим -
Боғишамол хиёбонида.

Кўлларида дафтару қалам,
Гуллар таъзим қилар ёнида.

Чарақлайди бошида офтоб,
“Шукур, кўрдим Андижонимни, -
Кўкка боқиб дегандай шу тоб:
-Олсанг, майли энди жонимни”.

Шаббодалар эсади фир-фир,
Ариқчалар тўла зилол сув.
Юрагида бир дунё севинч,
Юрагида тошқин бир туйғу.

Андижонда Бобур юрипти,
Хурлик гулин атридан сархуш.
Мард ўғлонлар бахти кулибди -
Бунда бошга қўниб хумо қуш...



Лола

Кийганинг қизил күйлак,
Сабо ҳам сен деб ҳалак,
Лола, ёнма бунчалар,
Оловми сенда юрак?!

Кўксингда нимадан доғ!
Ёринг қилдими фироқ?
Лола, менга сирдош бўл,
Дардимни эслатдинг, оҳ.

Сен ё тонгнинг қалбисан,
Сен аланга кабисан.
Ё ёрга айтотмаган –
Ошиқларнинг гаписан.

Юрагим дардинг туяр,
Боқсам, нигоҳим куяр.
Сенек мен ҳам ўртандим,
Оҳ десам, оҳим куяр...



Тил

Бир сўз билан одам дили
Гоҳ обод, гоҳ вайронадир.
Яхши сўзнинг қули кўнглим,
Гоҳо шоҳ, гоҳ девонадир.

Ҳар бир сўзинг гулдай гўзал,
Болдай тотли бўлсин дейман.
Ёмон сўзни айтар тилни
Тутилсину сўлсин дейман.

Тили, дили бир инсонлар
Бир оламга кундай татир.
Тили, дили нур инсонлар
Бахтли бўлсин, топсин қадр.



Ота дуоси

- Мен кетяпман узоқ сафарга,
“Қолма, - дея, - хавфу хатарға”,
Яна уйга омон қайтарға -
Дуо беринг ўзингиз, ота.

Дуойингиз беради мадад,
Бұлар доим рұхимга қувват,
Эл күкарап дуо-ла ҳар вакт,
Дуо беринг ўзингиз, ота.

Дуоингиз учарға қанот,
О, бу күнгім дуо билан шод,
Дуо билан тириклиқ обод,
Дуо беринг ўзингиз, ота.

Дуоингиз доимо оқтай,
Мен фарзандлық шағнимни сақтай.
Яхшиликни ҳар он ардоқтай!
Дуо беринг ўзингиз, ота.



Бургут

Бургут ўлтирибди баланд қояда,
Тоғ, дала, кенгликлар унинг пойида.
Олис-олисларга ташлар у нигоҳ,
Яна юксакларни кўзлаб гоҳида.

Гоҳо давраларга кулиб қарайди,
Гоҳо тумшуғини тошга қайрайди.
Оёғим остида ҳамма нарса деб,
Ўзини энг кучли, тенгсиз санайди.

Қўнган қоясин ҳам ҳеч писанд қилмас,
Парвози шу тошга боғлиқдир, билмас.
Бирдан қоя учар, кулайди тошлар,
Мағрур бургут бирдан чилларчидир, бас.



Ерга қайтар

“Курсам” дея бутун оламни,
Бор мавжудот интилар күкка.
Заррадан то төғларга қадар
Юксаларлар бир баландликка.

Булут етар осмон фапакка,
Қүёш сари отланар қүшлар.
Капалаклар гул бўйи учар,
Ракеталар күкка учмишлар...

Баландпарвоз лочин ҳам лекин
Булутларга теккан чинор ҳам,
Ерга қайтар, ерга бош қўяр,
Ер бағридан топади ором.



Дил чашмаси

Ҳар дилда бир чашма бор,
Сув олар меҳр уммонидан.
Қултум ичса ташналар,
Кетолмас ҳеч ёнидан.

Дил чашмаси қуриган
Бўлгайдир меҳрга зор.
Пок чашмалар кўзини
Босиб қолмасин ҳеч қор.

Дил чашманг тиниқ бўлсин,
Тушмасин унга ғубор.
Унинг бўйида ўсган -
Гулларда ўзга ифор...

Шунда ортар оқибат,
Жўшаверсин бул чашма,
Эзгуликка эзгулик -
Кўшаверсин бул чашма.



Гулим

Баҳор келди, сен йўқсан, э воҳ,
Куз нафаси ҳазон этган гул.
Сен сиғмадинг боғ бағрига, оҳ,
Лекин сени қўмсайди қўнгил.

Келиб кетар не-не баҳорлар,
Очилимассан, сен мангу сўлғин.
Бир келдингу кетдинг дунёдан,
Менинг бағрим айлаб кетдинг хун.

Лекин боғда хуш атринг қолмиш,
Хаёлинг-ла барқ урар чаман.
Эй бемаҳал сарғайган гулим,
Мен хаёлинг билан яшайман.



Сүймаганга сүйканма

“Сүймаганга сүйканма”, -
Деганлари рост экан.
Бу сўз мағзин чаққаннинг -
Умри сарафroz экан.

Бир гўзални севдим-у
Унга бўлдим парвона.
Гоҳо унга кул бўлдим,
Гоҳо бўлдим девона.

Йиллар ўтди орадан,
Гўзал кўзга илмади.
Ишқида мен - зор, гадо,
Толеим ҳеч кулмади.

Бир кун бўзлаб қолдим мен,
У ўзгага ёр бўлди.
Сўймаганга сўйкандим,
Мұҳаббатим хор бўлди...



Гүзалим

Гүзалим, ўксима учрашмадик деб,
Хаёлинг хаёлим меҳмони доим.
Шу ҳам ҳаётимга бериб турар зеб,
Шундан дилим равшан, шульавор ойим.

Гүзалим, кўзларинг оловларида –
Юрак ёниб-ёниб чўғга айланди.
Кипригинг ор этиб тиканлигидан,
Қалбимга отилган ўққа айланди.

Гүзалим, айирмиш бизларни тақдир,
Хаёл ипларимиз узилмас асло.
Шуни ҳам кўп кўрма ошиқ қулингга,
Сен ҳам мени эслаб тургил, ёр, гоҳо...



Сингилжон

Гулдек кулиб турган сингилжон,
Бугун нечун қўзларда ёшинг?
Не савдолар кечди бошингдан?
Тугадими сабр-бардошинг?

Юрагингда не алам бор, айт?
Қўй, йиглама, қўзёшларинг арт.
Келмадими ёки севганинг?
Ранжитдими ё бирор номард?

Қўй, ўкинма, садқаи кўз ёш,
Омон бўлсин шу азиз бошинг.
Бир кун қайтар баҳтинг бағрингга,
Бир кун порлар толе куёшинг.

Қўлга олгин ўзингни, синглим,
Барча ғаму қайғуни унут.
Излаб келар севганинг бир кун,
Бардошли бўл.
Ўшал дамни кут.



Рашк

Жоним, ағёрларга ташламанг нигох,
Сизни ёмон күздан асрасин Оллоҳ.
Фақат Яратгандан тилайман панох,
Сизни рашк қиласман ёмон күзлардан.

Дейман: "Кўлингизга кирмасин тикан",
Сизга тушар зарбга мен бўлай қалқон,
Бўлай бир умрга жонингизга жон,
Сизни рашк қиласман ёмон кўзлардан.

Хазонсиз чамансиз, мен - ёнган булбул,
Ҳусн гулзорида йўқдир сиздек гул.
Сиз учун умримни бағишлай буткул,
Сизни рашк қиласман ёмон кўзлардан.



Айрилик

Айрилдим мен гулимдан,
Қалбим - кимсасиз дала.
Фигон ўтди дилимдан,
Үртанган бағрим яра.

Faфлат босдими, билмам,
Бошимга тушди ҳижрон.
Шум ўлимнинг дастидан
Юрагим қон, бағрим қон.

Айрилиқ ўти баланд.
Ўчмас у, минг ҳол сўра.
Тақдирга тан бермоқ шарт.
Гарчи бу бағрим яра.

Гулимнинг фироқида
Кул бўлдим, куйиб битдим.
Одамларнинг меҳридан -
Тафт олдим, нажот кутдим.



Тулки фалсафаси

Тулки күп ўйлади
Овчидан кутулмоқ йўлин.
Қочмоқчун қирларга бўйлади,
Уни кутар гўёки ўлим...

Овчи олазарак, ўлжасин излар,
Тулки ер бағирлаб ётар панада.
Ана, яқинлашар овчи дам сайин,
Тулки хавф сезар ожиз жонида...

“Юрсам, хас-ҳашаклар шитирлар шаксиз,
Овчи кўриб қолар. Сезмоқда кўнглим.
Шарпамни сездирсам, шу лаҳза, э воҳ,
Ҳолимгавой бўлар - қурийди шўрим”.

“Яхшиси, шу ҳолда ётганим маъқул,
Маъқул кўринмаслик, шарпа қилмаслик”.
“Маъқул - душманингни англамагани,
Маъқул - душман сенинг сиринг билмаслик”...



Ишонаман


Ёдингдами висол оқшоми
Учрашардик чинор тагида.
Қовриларди юрак тамоми
Мұхаббатнинг зўр гулханидан.

Ўша кезлар чиқмас ёдимдан,
Сени ҳануз қўмсайди юрак.
Кимгадир дил ёрмоқ истасам,
Сўз очмоққа кўнмайди юрак.

Бахт чироғи ёнади қайтиб,
Хижрон қийноқ солар жонимга.
Ишонаман, дилбар, жилмайиб,
Қайтажаксан бир кун ёнимга.

Гул ҳаёда севимли -
Ёринг ёнингда бўлса.
Сендан бахтли одам йўқ -
Ишқи жонингда бўлса.

Севгилимнинг ташрифи келтирадар дилга баҳор,
Ҳар нигоҳи қўшади гулга ҳам янги оҳор.
Кўзлари кўнглимга чўғ солмиш, билолмам, қай маҳал,
Сочлари сунбул каби сочади ҳар ён ифор.





Омад қуши

Омад қуши билдириласданақ
Кимнингдир бошига қўниши мумкин.
Кимдир ғафлат ичра англамай бироқ
Тутолмай, учириб қўйиши мумкин.

“Бу дунё бири кам дунё” дейдилар,
Ким омад ахтариб куйиши мумкин.
Ким омад дегани сароб чиқару,
Ким омад кимхобин кийиши мумкин.

Шу боис, эй кўнгил, ўқинма асло,
Бир текис бўлмагай умр йўллари.
Инсоф, адолатда адашма фақат,
Тош остида эмас инсон қўллари.

Ширин сўзла, сўзлама аччиқ,
Қалблар ногоҳ топмасин озор.
Тилнинг заҳри юракка санчиқ,
Дилни мажруҳ айламоги бор.

Сайёд тузоғига илинади куш,
Шубҳасизки, унинг нафси берар панд.
Ёмонлар йўлига юрмас яхшилар
Айёрлик-ла тузоғ қўйса-да гарчанд.



Соҳибжамол

Гул юзига ярашиқли бир дона хол,
Бели хипча, ўзи эса нозик ниҳол,
Бир лутф этса, оловида ёндиради,
Бунча гўзал бўлмасайкан соҳибжамол.

Бошига ул ташлагани харир рўмол,
Нечаларнинг юрагини қийнар савол.
Қувиб-қувиб висолига етолмадим,
Бунча оҳу бўлмасайкан соҳибжамол.

Агар кийса, бўз кўйлак ҳам ярашади,
Бўз йигитлар ҳавас билан қарашади,
Сочларини шўх шамоллар талашади,
Бунча жоду бўлмасайкан соҳибжамол.

Изларига етолмаган зорлари кўп,
"Кўраманми" деган йўлда хорлари кўп.
Мен бой бўлиб кетар эдим назар солса,
Бунча бефарқ бўлмасайкан соҳибжамол.



Мундарижа

Андижонда Бобурни кўрдим.....	3
Лола.....	4
Тил.....	5
Ота дуоси.....	6
Бургут.....	7
Ерга қайтар.....	8
Дил чашмаси.....	9
Гулім.....	10
Сўймаганга-сўйканма.....	11
Гўзалим.....	12
Сингилжон.....	13
Рашқ.....	14
Айрилиқ.....	15
Тулки фалсафаси.....	16
Ишонаман. "Гул ҳаётда". "Севгилимнинг"	17
Омад қуши. "Ширин сўзла". "Сайёд"	18

*Адабий-бадиий нашр
Асқарали Тўхтасинов
“Дил чашмаси”
(Шеърлар)*

Муҳаррир: Пўлат Абдулла
Мусаххих: Мадина Усмон
Компьютерчи: Ҳамиджон Парпиев.

Босмахонага 22 март 2005 йилда берилди.
Босишга 30 март 2005 йилда рухсат этилди.

Бичими: 84x108 1/32 Ҳажми: 1,5 б/т.
Буюртма № 563. Адади 500 нусха.
Баҳоси келишилган нарҳда

"Andijon nashriyot-matbaa" ОАЖ босмахонасида босилди.